

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ПАЛЕОЭКОЛОГИЯ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ  
ДИНАМИКАСИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** *Р.Х.Сулаймонов – тарих фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:** *А.С.Сагдуллаев – тарих фанлари доктори, профессор*  
*Ў.М.Мавлонов – тарих фанлари доктори, профессор*

**Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг ..... Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	
<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ <b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	50
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАР.....	51
VII. ГЛОССАРИЙ.....	52
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	54

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Таълим тизимини самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ва амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет элнинг илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидар. Ушбу дастур Ўрта Осиёнинг қадимги цивилизацияси ва давлатчилигининг умумбашарий тарихий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти очиқ бериш, асосий йўналишлар ва тадқиқотлар натижалари ҳақидаги билимларни бойитиш, мавжуд илмий адабиётлар, замонавий назариялар, ёндашувлар ва илмий қарашларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш каби масалаларни қамраб олади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади – “Палеоэкология ва цивилизация динамикаси” фани тўғрисида тингловчига замонавий босқичга оид чуқур тарихий билимлар, янги илмий қарашлар ва назариялар ҳақида ахборот бериш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш, мазкур фан ҳақидаги тингловчилар билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

### Модулнинг вазифалари:

- Тингловчиларга “Палеоэкология ва цивилизация динамикаси” масалалари бўйича илғор таълим инновациялар, концептуал замонавий муаммолар ва ёндашувлар асослари тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий

модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Цивилизациялар динамикаси, палеоэкологияни ўрганишда инфор­мацион технологияларнинг тарих фанида тутган ўрни, аҳамияти ва ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги билимларни бойитиш;

- Юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш маҳоратни ошириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Модул ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- янги илмий қарашлар ва назариялар;
- тарихийлик ва холислик тамойиллар;
- назорат жараёнини ташкил этиш;
- археология фанига оид инновациялардан самарали фойдаланиш ҳақида билимларга эга бўлиши;

#### **Тингловчи:**

- педагогик фаолият жараёнини такомиллаш;
- назорат жараёнини тез ва самарали ўткази олиш;
- назоратнинг турли шакллари­дан самарали фойдаланиш;
- интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш;
- кўникмаларини эгаллаши;

#### **Тингловчи:**

- ўқув курсини модулини тузиш;
- ахборотни структуралаштириш;
- тингловчиларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;
- малакаларини эгаллаши;

#### **Тингловчи:**

- ўз соҳасига оид ахборотни мантиқий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан малакасини ошириш лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модул маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, ўтказиладиган амалий

ва кўчма машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг малака ошириш курси режасидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Палеоэкология ва цивилизация динамикаси” фанини ўрганишда инфор­мацион технологиялар” курси ўқув режадаги мутахассислик фанларининг соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнидаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда ян­гича ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир янги билимларга эга бўладилар.

### **“Палеоэкология ва цивилизация динамикаси”**

#### **Модул бўйича соатлар тақсимо­ти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юк­ла­маси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юк­ла­маси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма маўғулот	
1.	Экологияга оид билимларнинг шаклланиши	4	4	2	2		
2.	Инсоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлиги	4	4	2	2		
3.	Диний эътиқод ва урф-одатлар билан боғлиқ ҳодисалар	4	4	2	2		
4.	Маданият тараққиётининг экологик омиллари	8	6	2	2	2	2
5.	Цивилизациялар динамикасининг инсоният жамияти тарихи	10	8	2	4	2	2

	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>
--	--------------	-----------	-----------	-----------	-----------	----------	----------

## **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Экологияга оид билимларнинг шаклланиши**

Экология тушунчаси. Экологияга оид билимларнинг шаклланиши. Инсоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлиги.

### **2-мавзу: Инсоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлиги**

Диний эътиқод ва урф-одатлар билан боғлиқ ҳодисалар. Табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши муаммоси.

### **3-мавзу: Диний эътиқод ва урф-одатлар билан боғлиқ ҳодисалар**

Маданият тараққиётининг экологик омиллари. Цивилизацияларнинг шаклланишининг табиий-шароитлари.

### **4-мавзу: Маданият тараққиётининг экологик омиллари**

Маданият тараққиётининг экологик омиллари. Цивилизацияларнинг шаклланишининг табиий-шароитлари.

### **5-мавзу: Цивилизациялар динамикасининг инсоният жамияти тарихи**

Цивилизациялар динамикасининг инсоният жамияти тарихи ва жаҳон цивилизацияси тараққиёти хусусиятларини ўрганишда тутган ўрни ва аҳамияти

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

### **Кўчма машғулотни ташкил этиш шакли ва мазмуни**

Кўчма машғулотлар модулларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув-лаборатория хоналарида, музейлари ҳамда намунавий деканатида;
- Марказнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа марказлар билан тузилган шартномалари асосида ташкил этилади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ**

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**0,8 балл**.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **1. “Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What) .

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар</li> <li>✓ бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>

4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>
---	---

**Кейс.** Африка қитъасида дастлабки ибтидоий одамлар пайдо бўлди. Улар аста-секинлик билан ер юзининг бошқа худудалрига тарқала бошлади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

Дастлабки ибтидоий одамларнинг Африка қатъасидан миграция қилиши ер юзида тарқалашининг сабаблари нималардан иборат.

## 2. “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин. Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

<p style="text-align: center;"><b>Тест</b></p> <p>1. Археология атамаси илк бора ким томонидан қўлланилган?</p> <p>A. Афлотун B. Герадот C. Гиппарх D. Арриан</p>	<p style="text-align: center;"><b>Қиёсий таҳлил</b></p> <p>Археология ва Antiquaries атамаларини қиёсий таҳлил қилинг</p>
<p style="text-align: center;"><b>Тушунча таҳлили</b></p> <p>Археология атамасини изохланг.....</p>	<p style="text-align: center;"><b>Амалий кўникма</b></p> <p>Археологик ёдгорликлар турларини таснифлашни ўрганинг</p>

### 3. “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ✓ иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ✓ ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар
- ✓ номи туширилган тарқатмалар берилди (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ✓ ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай
- ✓ ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- ✓ белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг
- ✓ тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ✓ ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий
- ✓ муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини
- ✓ текшириб, баҳолайди.

#### Намуна: “Археологияда таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади	Қўшимча маълумот
Археология	Архайос-қадим ва логос-фан яъни ўтмиш ҳақидаги фан деган маъноларни англатади	
Antiquitates	Римлик муаллифлар юнонча археология термини ўрнида antiquitates-қадимиёт терминини қўллашган.	
Antiquaries	Римлик муаллифлар юнонча antiquitates-қадимиёт соҳаси вакиллари эса «antiquaries» - антикварий, яъни қадимий топилмалар хаваскорлари дея аташган.	
Олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит	Археологик давр ҳисобланмиш палеолит яъни қадимги тош даври босқичлари	

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Экологияга оид билимларнинг шаклланиши

##### Режа :

- 1.1. Цивилизация динамикаси фанининг мақсад ва вазифалари
- 1.2. Цивилизация динамикаси фан сифатида шаклланиши
- 1.3. Археологик тадқиқотлар тарихи.

**Таянч иборалар:** Цивилизация, экология, голоцен, шаҳарлар, Экологик омиллар.

#### 1.1. Цивилизация динамикаси фанининг мақсад ва вазифалари.

Фаннинг мақсади палеэкология ва цивилизация динамикасининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, қадимги даврлардан бошлаб инсон ва географик шарт-шароитлари, табиий муҳит билан муносабатлари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва цивилизация вужудга келишининг омилларини таҳлил қилишдан иборатдир. Мазкур фанни ўрганувчи магистрант талабалар аудиторияда олган билимларини мустаҳкамлаш ва тарихшуносликдаги амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик кўриш жараёнида ҳамда мустақил таълим тизимига асосланиб, қўшимча адабиётлар ва археологик манбалар билан танишиш орқали билим оладилар<sup>1</sup>.

Бу борада фаннинг вазифалари, замонавий педтехнологияларга асосланган ҳолда, долзарб муаммоларни ўрганиш билан узвий боғланган. Шулар жумласидан, экология ва цивилизация тушунчалари, инсоннинг табиатда ўрни ҳақидаги билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши, иқлим ўзгаришининг астрономик ва геофизик омиллари плейстоцен даври иқлими, инсон ва атроф муҳит муносабатлари, голоцен даври иқлими ва табиий

<sup>1</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

шароити, қадимги дунёнинг экологик муаммолари, экологик омиллар ва тарихий жараёнлар ўзгаришининг маданият тараққиётига таъсири каби мавзулар муҳим аҳамият касб этади.

Инсон қадимдан ўзини хайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлигини тушуниб етган. Бу тушунча илк диний эътиқод ва урф-одатлар билан боғлиқ ходисаларда табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирила бошланганлигида шаклланади. Бунда маданият тараққиётининг экологик омилларига эътибор бериш лозим.

“Цивилизация” тушунчасининг (лотинча “фуқаролик”, “давлат”) 1768 йилда А. Фергюсон томонидан илмий муомалага киритилган. Цивилизация бирон бир жамиятнинг муайян босқичдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг маълум босқичини моддий ва маънавий маданият даражасини ўзида акс эттиради. Шу тариқа “цивилизация” атамасининг илк шаҳарлар, давлатлар тарихи, сиёсий институтлар ва давлат ҳуқуқи нормалари, ёзув, адабиёт ва фан хунармандчилик, савдо-сотиқ, маданий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғланади. Мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида, яъни энеолит даврининг сўнгги босқичида Месопотамия жамияти тараққиётида кескин бурилиш даври бўлиб, Шумер цивилизациясининг шаклланиши билан тавсифланади<sup>2</sup>.

Бу давр Жанубий Месопотамияда дастлабки ўрганилган Урук шаҳрига нисбатан Урук маданияти номини олган. Р.Мак Адамса муҳим демографик ўзгаришлар содир бўлади. Уч аср давомида жанубий Месопотамия аҳолиси бир сони кескин кўпаяди. Ламберг-Карловски бу жараёнларни кўчманчи чорвадор қабиларнинг жанубий Месопотамияга келиб жойлашиши билан тавсифлайди<sup>3</sup>.

Бу жараённи Г.Чайлд “шаҳар инқилоби” сифатида тавсифлайди. Шаҳар инқилоби ёзувнинг пайдо бўлиши ва маҳобатли меъморчилик, айниқса, ибодатхона қурилишларида аниқ намоён бўлади. Жанубий Месопотамия

---

<sup>2</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

<sup>3</sup> Umberto Albarella. *Environmental Archaeology: Meaning and Purpose*. Springer-Science Business Media, B.Y. 2001.

тарихида шу давр ичида кўпгина ўзгаришлар содир бўлади. Қишлоқларнинг шаҳар даражасига ўсиб чиқиши, янги шаклга эга бўлган сифатли сопол буюмларнинг пайдо бўлиши, муҳрларнинг хусусий мулкни тасдиқловчи восита сифатида пайдо бўлиши, ёзувнинг кашф этилиши шулар жумласидандир. Айрим тадқиқотчи олимлар бу ўзгаришларни ажнабий келгиндилар таъсири натижасида деб биладилар. Археологик тадқиқот натижаларига кўра, энг қадимги Убейд даврида меъморий ва технологик анъаналарда сезиларли узилиш кўзга ташланмайди.

## **1.2. Цивилизация динамикаси фан сифатида шаклланиши.**

Бошқа бир олимларнинг илмий назарияларига кўра, шаҳар инқилоби негизида ирригация тизимининг такомиллашуви асосий ўрин тутишини таъкидлашади. Назария асосчиларидан бири Карл Виттофогель фикрларига кўра, ирригация тизимининг жорий қисмида каналлар барпо қилиш, тозалаш каби ишларни бажарадиган ишчи кучини таъминлаш ва уларни назорат қилиш учун кучли жамият зарур бўлган. Ҳозирги қуруқликларни асосий қисми антропоген континентал қатламлардан тузилган. Улар ичида энг кўп тарқалгани сувли (аллювиалли, кўлли, ботқоқлик ва плювиалли), музли (жумладан музлик-дарёли, музлик- кўлли) ва эолли ётқизиклар. Континентал ётқизиклар қуруқлик юзасида нотекис тарқалган бўлса ҳам уларнинг тахминан 80% ни ташкил қилади. Масалан, Ангарктидада ҳамма антропоген чўкиндилар мажмуаси музлик ҳосилаларидан ташкил топган. Шимолий Америка ва Канада Арктик архипелагининг 50%га яқинини ва Евросиё майдонини 20%гачасини музлик ҳосилалари қоплаб ётади<sup>4</sup>.

Ер шари юзасининг ярмидан кўпини баттал ва абиссал терригенли, органигенли, хемогенли ва вулканогенли чўкиндилар эгаллаб ётади. Шельфларда шаклланадиган чўкиндилар талайгина кам майдонларда ривожланганлар. Денгиз чўкиндилари ичида сузиб юривчи музлар ва

---

<sup>4</sup> Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.

айсберглар томонидан келтирилган материалдан ҳамда шельfli, тоғли ва коплама музликлардан ҳосил бўлган гляциал-денгиз (музли - ва муз-денгизли) ётқизиклари алоҳида аҳдмиятга эга. Худди шу чўкинди типлари Евросиё ва Шимолий Америка атрофларини ўраб олган ҳамма шимолий денгизларда ва Антарктида атрофидаги жанубий денгизларда ҳамда Субтропик Евросиё, Канада ва Аляска текисликларида кенг тарқалган. Бу чўкиндилар гил, суглинка, кўпинча зич, ноаниқ-қаватлашган, ўзида шағал, шебен, ғўлатош, валуна ва палахса тошлардан ташкил топган. Қуруқликда улар мореналарга қабул қилинади, шунинг учун улар моренасимон деб ном олдилар.

Ётқизиклар учта асосий кимёвий, органик ва ласси турда классификация қилинади. Булардан биринчи икитаси кўпроқ геоархеологияга тегишли ҳисобланади. Ласти ётқизиклар энг кўп тур ҳисобланади. Улар ташкил топган қоя парчаларидан, бошқа ётқизиклардан ёки тупроқ моддиятларидан яъники эрозиянинг тарихи тасвири, кўчиши ва сақланишидан иборат. Кўпчилик ласти ётқизикларнинг шамолга ўхшаган (масалан қум тепаликлар), сув йўллари (масалан дарёчалар, денгиз бўйлари) ва гравитатсия (инкироз, кўчиш, емирилиш) воситалар ёрдамида сақлаб қолинади. Ласти ётқизикларнинг одатий мисоллари (худди компонентлар ҳажмининг пасайишига асосланган) қум, лойқа ва гил. Геологик маълумотларда қоялар турлари адирликлар, қум уюмлари ва балчиқ уюмларидир. Вулқонли ласти парчалари вулқон куллари, бўлаклари, қолдиқларидан иборат бўлса, пйроласти оқим бўлаклари ласти ётқизиклар деб тушунилади. Қисқаси, улар бирмунча ғайриоддий геоархеологик контекстлардир. Шунингдек, улар вулканик ҳудудлар билан чегараланган<sup>5</sup>.

Шунга қарамай улар археологик манзилгоҳларнинг шаклланиши ва стратиграфиясидаги муҳим аспектдан ташкил топган. Археологик вақтда мисоллар тасвирлаш учун макон ҳисобланадиган Помпей тахминан 4милли вулканли ласти бўлаги (тефра) билан ўралаган ва вулқон қуйиндиси, вулқонли

---

<sup>5</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

қум, лапилли (2-64мм) ва кул (2 мм) дан иборат. Сан-Сальвадорда, Ерен манзилгоҳида бир хил турдаги турар жойлар акс этирилган, яъни тузулиши ва қишлоқ хўжалик ерлари бир неча метр тепа остида кўмилиб кетган эди. Шарқий Африка, Туркия, Жордон Рифт ва Жеоргиядаги манзилгоҳлардан топилган голоцен ва плейстоцен даврининг стратиграфияси ва саналарида водийларда сақланиб қолган вулқон ласти топилмалари асосий рол ўйнайди. Олдувай Горге, Гоби Фора, Гешер Бенот Яков ва Дманисе археологик ва инсоният яшаб қолган манзилгоҳлардан бир нечтаси бўлиб ҳисобланади.

Малюска ва маржон сингари денгиз ости организмлари кальций карбонат қобиғини ишлаб чиқаради. Уларнинг қаттиқ танаси силкиниб ҳаракатланганда биоласти гилнинг шаклланиш жараёнида фрагментлар ўлчами сантиметрдан миллеметр гача синиши мумкин. Бўр балчиқ ва яхши қумдан, яъни денгиз ости организмларининг қолдиқларидан иборат. Бошқа турда диатомнинг шаклланиши натижасида диатомлар билан боғлиқ бўлган организмларда скелетлар бўлиши мумкин. Остракодлар, диатомлар ва фораминифералар биологик ҳолатларда кўпчилик минерологик қатламларда сақлаб қолади. Лондон минорасининг сув тўлдирилган хандақ қатлами масалан кўп сонли диатомлардан ташкил топгани яъни ётқизикнинг бузилишида саёз, тиниқ бўлмаган сув деб кўрсатилади. Ушбу ҳолатлар Темза ва Дитч шаҳридан сув, сувнинг юзаси, ва исрофгарчиликдан қутилиш мақсадида хандақларга жойлаштирилиш натижасида келиб чиққан.

Кимёвий ётқизиклар суюқликдан ажралиб чиқадиган тўғридан тўғри химикатлар орқали ишлаб чиқарилади. Кучли буғланиш билан намчил ҳудудлардаги кўллар кимёвий минералларнинг кўпчилигини намоён қилади. Жумладан, туз қатламини, гипсни (кальций сульфат), кальцит ёки ароганит (ҳар иккиси кальций карбонатнинг шакли)ни ҳосил қилади. Ҳор муҳитидаги кимёвий ётқизиклар таъсирида кальций карбонат шакллари сақланиб қолинади (травертинли ёки тош уюмли ётқизиклар). Булар одатда кальцит ёки арогонитдан ташкил топади. Аммо бошқа махсус минераллар фосфор натрий ёки сульфатдан иборат. Органик моддалардан ташкил топган биологик ётқизикларнинг 3-гурухини физик моддалар ташкил қилади.

Буларга чуқурлик ва ботқоқ ҳудудлардаги органик гил ва торфлар мисол бўлади.

### 1.3. Археологик тадқиқотлар тарихи.

Бу бевосита давлатчиликнинг энг қадимги шакли - “шаҳар-давлат” ёки “ном”ларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Номлар ўзаро узвий боғлиқликда бўлган бир ёки бир неча жамоа доирасида ривожланган. Номларда одатда маҳаллий аҳоли диний-дунёвий эҳтиёжлари талабларига жавоб берадиган ва жамоа аъзоларини ижтимоий ҳаётларини маълум даражада тартибга солиб турувчи марказий ибодатхоналар мавжуд бўлган. Унинг атрофида жамоатчилик ва ном маъмурияти уй-жой иморатлари, озиқ-овқат омборлари, арсенал, шунингдек ҳунармандлар яшайдиган маҳалла ва уларнинг устахоналари жойлашган бўлиб, умумий муҳофаф деворлари билан муҳофаза қилинган. Бу дастлабки кичик давлатнинг шаҳар маркази ҳисобланган. Маъмурий марказ атрофида деҳқонлар қишлоқлари, суғориладиган ерлар ва чорва яйловлари ўрин олган.

Ётқизиклар учта асосий кимёвий, органик ва ласси турда классификация қилинади. Булардан биринчи иккитаси кўпроқ геоархеологияга тегишли ҳисобланади. Ласти ётқизиклар энг кўп тур ҳисобланади. Улар ташкил топган қоя парчаларидан, бошқа ётқизиклардан ёки тупроқ моддиятларидан яъники эрозиянинг тарихи тасвири, кўчиши ва сақланишидан иборат. Кўпчилик ласти ётқизикларнинг шамолга ўхшаган (масалан қум тепаликлар), сув йўллари (масалан дарёчалар, денгиз бўйлари) ва гравитатсия (инқироз, кўчиш, емирилиш) воситалар ёрдамида сақлаб қолинади. Ласти ётқизикларнинг одатий мисоллари (худди компонентлар ҳажмининг пасайишига асосланган) қум, лойқа ва гил. Геологик маълумотларда қоялар турлари адирликлар, қум уюмлари ва балчиқ уюмларидир. Вулқонли ласти парчалари вулқон куллари, бўлаклари, қолдиқларидан иборат бўлса, пйроласти оқим бўлаклари ласти ётқизиклар деб тушунилади. Қисқаси, улар бирмунча ғайриоддий

геоархеологик контекстлардир. Шунингдек, улар вулканик ҳудудлар билан чегараланган<sup>6</sup>.

Шунга қарамай улар археологик манзилгоҳларнинг шаклланиши ва стратиграфиясидаги муҳим аспектдан ташкил топган. Археологик вақтда мисоллар тасвирлаш учун макон ҳисобланадиган Помпей тахминан 4мли вулканли ласти бўлаги (тефра) билан ўралаган ва вулқон қуйиндиси, вулқонли кум, лапилли (2-64мм) ва кул (2 мм) дан иборат. Сан-Сальвадорда, Ерен манзилгоҳида бир хил турдаги турар жойлар акс эттирилган, яъни тузулиши ва қишлоқ хўжалик ерлари бир неча метр тепа остида кўмилиб кетган эди. Шарқий Африка, Туркия, Жордон Рифт ва Жеоржиядаги манзилгоҳлардан топилган голоцен ва плейстоцен даврининг стратиграфияси ва саналарида водийларда сақланиб қолган вулқон ласти топилмалари асосий рол ўйнайди. Олдувай Горге, Гоби Фора, Гешер Бенот Яков ва Дманисе археологик ва инсоният яшаб қолган манзилгоҳлардан бир нечаси бўлиб ҳисобланади

Ижтимоий мартабалар табақаланишининг чуқурлашуви ва меҳнат фаолияти ихтисослашуви. Сиёсий ва диний ҳокимият аста-секин жамиятни бошқарувчи кучга айланиб боради. Илгари ҳокимият бошқаруви ва қабила ички бирлигини белгиловчи қон-қариндошлик ҳукмронлиги аста-секин йўқола боради. Ҳар қандай қон-қариндошлик қоидалар тизими, ҳуқуқ ва имтиёзлар охир оқибат маъмурий давлат тизими томонидан ўрнатилган қонунлар билан сиқиб чиқарилди.

### **Мавзу бўйича қўшимча саволлари.**

1. Инсоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқлигини изоҳлаб беринг?
2. Табиатнинг инсон томонидан ўзлаштирила бошланганлигига нима сабаб бўлган?
3. XVIII асрдан инсоннинг теварак атроф билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги илмий қарашлар қачон вужудга келган?

---

<sup>6</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

## Адабиётлар

1. John Barrett. The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005,
2. Богданов И.И. Палеоэкология. Учебное пособие. М. Изд. «ФЛИНТА». 2011.
3. Белкин В.В. Основы геологии. Учебное пособие. Пермь-Березники. 2008. pdf.
4. Исламов У. И., Крахмаль К.А. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Т. Изд. “Фан”. 1995. pdf.

**Режа:**

- 2.1. Илк голоцен даври иқлими.
- 2.2. Голоцен даври иқлим ўзгаришларини даврлаштирилиши масаласи
- 2.3. Европа, Сибир ва Марказий Осиёда голоцен даври иқлими.
- 2.4. Голоцен даврида ишлаб чиқарувчи хўжаликларни ривожланиши

**Таянч ва иборалар:** Голоцен, Нил, Музлик, плювал, Андроново маданияти, Палеография, Жойтун, Долмек, Мекгюр, Кромлеклар, петроглиф.

**2.1. Илк голоцен даври иқлими.**

Голоцен – музлашдан кейинги давр. Музлаш даври тугаши билан ҳозирги давр иқлими шаклланади. Музликлар шимолга чекиниб, турли кенгликларга хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шаклланади. Ҳозир 14 минг йилдан буён иссиқ иқлим ҳукм сурмоқда. Сибир, Шимолий Америка, Шимолий Европа абадий музликлари, субарктик ўсимликлари ҳудудлари юзлаб кмларга шимолга чекинадилар.

Голоцен фаслининг боши эр авв 8-4 минг йилликлар Атлантик оптимум- (мўътадил) деб аталади. Ҳарорат анча иссиқ ва серёмғир бўлган. Сахрода ҳам йилиги 300-400 мм ёмғир ёғган. Африкани марказидаги Чад кўли кенгайиб Каспий денгизига етган. Археологик жихатдан бу давр неолитга тўғри келади. Бу даврда деҳқончилик билан чорвачилик ривожланиб, ишлаб чиқариш шаклланади. Бу даврда шимолий минтақаларда қурғоқчилик бўлади. Лекин 3 минг йилликнинг охирида қурғоқчилик ҳукмрон бўлади. У ерда ҳам бир замонлар Нил билан тенглашадиган дарё оққан, уларнинг қирғоқларида тош қояларга чизилган петроглифлар топилган<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

- 1) Энг қадимги петроглифлар эр авв 6-7 минг йилликка оид бўлиб, фил, жирафалар тасвири, ҳайвонлар уйури ҳам учрайди. Бу ҳайвонларни овловчи аҳолининг қиёфаси негроидларга ўхшайди.
- 2) Неолит даври эр.авв. 4 минг йилликка оид суратлар, бу ерда чорвачилик манзарасини кўришимиз мумкин.
- 3) Эр. авв. 1200 йил отлар тасвири учрайди. От Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида хонакилаштирилган.

Эр авв 2 минг йилликнинг 2 ярмида ва ундан олдин Ямная, Катакомбная, Андроново маданиятининг вакиллари чорвадор аҳолиси отбоқарлик саънатини дунёга тарқатади.

Ямная – Ўра, Ёрма гўр,

Катакомбная – Лахад,

Андроново – Ёғочдан қабр қилган.

Палеографларнинг кузатишига кўра Қизилкум манзараси мил. авв. 4 минг йилликларда яшнаган жой бўлган. Амударё, Сирдарё, Зарафшон серсув бўлиб, Каспийга қуйилган. Бу минтақаларда ёввойи ҳўкиз ( тур ) доимийлик иқлимига мослашган ҳайвонлар юрган.

Жанубий Туркманистондаги Копетдоғ серсув бўлиб, бу ерда Жойтун маданияти шаклланади. Жойтун шимолий ҳудудда кенг кўламда топилган Калтаминор маданияти билан чегарадош бўлган. Калтаминор маданиятининг овчи, термачилик аҳолиси нам шимолий минтақаларга чекиниб ўрта кенглик ўзлаштирилди. Натижада ғарбий йуналишда шарқий Европа ҳудудига етиб боради.

Бухоро воҳасининг ғарбий ҳудудларидан ғарб томон кўчиб кетган Зарафшон дарёсининг етаклари топилган. Асосийси оёқ оғитма деб аталади. Унинг қирғоғида 80 метрлик жар ёқасида эр авв 4 минг йиллик охирига оид Калтаминор маданиятига мансуб манзилгоҳ топилган. Бир замонлар бу манзилгоҳ Зарафшон дарёси етагида ҳосил бўлган кўл атрофида пайдо бўлган. 6 минг йил мобайнида юз берган тектоника ўзани 80 метрга ўсиб кетган.

Ҳозир ҳам Ўрта Осиё майдони сейсмологларнинг хабарига кўра йилига ўрта ҳисобда 1смга ўсиб бормоқда, жумладан, Орол денгизини туби ҳам.

Қўй билан сугир биринчи бор Яқин Шарқда хонакилаштирилади. Икки ўрқачли туя айнан Калтаминор маданияти вакиллари томонидан хонакилаштирилган.

Европада ҳам 4 та салқин нам фасллар аниқланган, буларнинг санаси эр авв 3700-3100, 2600, ва 2 чи минг йилликларга тўғри келади. Асосий музлаш ғарбий Европада 3 минг йиллик бошига тўғри келади. Бу фаслда қурғоқчилик авжига чиқади. Кўп маданият марказлари талофатга учрайди. Шунинг натижасида Марказий Осиёда БМАК маданияти ( Бактрия, Марғиёна ) пайдо бўлди.

Сополлитепа, Жарқўтон, Гонур, Тоголок, Даштли 3 ва бошқа илк шаҳарлар айнан шу кўчишнинг оқибатида Ўрта Осиёга Яқин Шарқ маданиятини олиб киради. Археологик маданиятларнинг ўзгаришлари, ёзув шу ерда ёзув бор.

Мисол: қишда Дунай дарёсини муз қоплаб уни устидан от ва пиёдалар ўтиб юради. Бир замонлар Жанубий Арабистонда Сабий подшолиги бўлган, ўша даврга оид ҳозир қуриб ётган дарёда катта эр авв 9 асрга оид тўғон топилган, 2чи тўғоннинг бўйи 600 метр.

Қадимий Хитой, Миср, Европа манбаларда ҳам эр авв 3 минг йилликнинг 1 ярмида иқлим ўзгариб турган.

Каспий денгизининг сатҳи ҳозиргидан 80 метр баланд бўлган. Эр авв 7 минг йилликда эса унинг сатҳи ҳозиргидан 20 метр пастда бўлган.

Европа ҳудудлари голоценнинг иссиқ фаслида Алп тоғларининг ўрмонлари чегараси ҳозиргига нисбатан 1 км баланд бўлган<sup>8</sup>.

Атлантик Плювиал даврида Ўрта Осиё ҳудуди ҳарорати иссиқ бўлган минтақасида кўпроқ ёмғир ёққан. Шу даврда Ўрта ер денгизининг шарқий ҳудудларидан Европага , шимолий Африкага , жанубий Осиёга мегалитлар маданияти тарқала бошлади. ( Долмек, Мекгюр, Кромлеклар ).

Мегалит – улкан тошлардан қурилган иншоотлар.

---

<sup>8</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

Сибир ҳудудларида мамонтлар голоцен даврининг бошида 12 -10 минг йил олдин қирилади. Бу даврда Марказий Осиёда қурғоқчилик ҳукм суради. Иссиққўл кўлининг транзгрессияси кузатилади. Яқин шарқ, Ўрта шарқни суғориб турган циклонлари шимолга силжийди.

Голоцен даврида унинг бошида ( 13-6 минг йиллик ) музликларни эриши натижасда жаҳон океанларининг сатҳи ҳар минг йил мобайнида 9 смга кўтарилган. Европа ҳудудларида Қадимий голоцен фаслида қурғоқчилик юз бера бошлайди. Англия Европадан ажраб қолади, Аляска Камчаткадан ажраб қолади. Охириги 4 минг йилда океан сатҳи 1 метрдан 4 метргача кўтарилиб келмоқда.

### 3-мавзу: Диний эътикод ва урф-одатлар билан боғлиқ ҳодисалар

#### Режа:

3.1. Табиий офатлар, глобал катаклизмлар, иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли мажбурий миграциялар.

3.2. Миграциянинг бошқа сабаблари (демографик, иқтисодий, сиёсий).

**Таянч иборалар:** Этнослар, Миграциялар, Дифузия ёки иновация, Сармат, Скифлар, Алланияга, Жетасар маданияти, Манғишлок, Осетия, Чечен, Ингушетия, Бабарин маданияти.

#### 3.1. Табиий офатлар, глобал катаклизмлар, иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли мажбурий миграциялар.

Инсоният ўз тараққиётининг жараёни натижасида турли экологик шароитларга мослашган маданиятлар, этнослар шаклига киради. Этносларда нафақат маданияти ирқий, психологик ва тиллари жиҳатидан фарқланадилар. Азалдан маданиятлар ўзгаришининг сабаблари турлича бўлган:

- 1) Миграциялар
- 2) Маҳаллий аҳолининг атроф-муҳит ўзгаришига мослашиб бориши
- 3) Дифузия ёки иновация

Иқлим бузилган кезлари тирик мавжудотларнинг адаптация механизми ишга тушиб кетади. Атроф, ҳарорат, муҳит барқарор фазларида турли этнослар ва минтақалар негизида маҳаллий ананалар шакллана боради.

Инсон маданиятининг яшаш технологияси тараққиётида 3 та муҳим бурилиш юз берган:

- 1) Термачиликдан овчиликка ўтиш;
- 2) Овчиликдан чорвачиликка ўтиш, натижада чорвадорларнинг овчига нисбатан фойдаланиш майдонлари 20 баробар қисқаради.

3) Дехқончилик технологияси чорвачиликка нисбатан ерга фойдаланиш унумдорлигини 20 баробарга оширади, бу жараёнда меҳнат унумдорлиги ҳам ошиб боради.

Этнографик кузатишларга кўра тундра минтақасининг 100 кв км майдони 1,2 та одамга озуқа етказиб бериши аниқланган. Тайга табиати 3 та одамни боқиши мумкин. Ўрта кенглик ўрмонлари 7-8 кишини боқиши мумкин, Лесостип (Ўрмон, дашт) 17 кишини боқади, қуруқ дашт биёбонлар 8 кишига озуқа етказиб бериши мумкин. Ўрта ер денгизи табиати эса 11 кишига кифоя қилади.

Кўчманчи хўжаликнинг дехқончиликка нисбатан унумдорлиги паст бўлганлиги учун, бутун инсоният тарихи жараёнида аста-секин дехқончилик эгаллаб борган. Дехқон учун энг кичик майдон 0,1-0,15 га бўлса, кўчманчи учун 180 гектар ер керак бўлган.

Яқин шарқ ва Марказий Осиёда дехқончилик билан чорвачилик шахмат тарзида оралаганлиги туфайли 2 ХКТ (хозястивинни култура типа – Хўжалик маданий тип) орасида яъни бу минтақаларда бир бирига зид ҳамкорлик шакллари формалари шаклланади.

Одатда кўчманчи жанговар серхаракат аҳоли сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олади, ўтроқ дехқонга солиқ солади ва жамиятда бошқарувга тлртилади. Ер юзининг айнан экологик ҳудудлари доирасида қадимги ва ўрта аср этномаданий гуруҳлар шаклланади.

Манбаларга кўра археологик кузатувларга кўра эр авв 9-10 минг йилликлардаги об-ҳавони эсиши Яқин шарқда қахатчиликни бошлаб беради, ўт алаф тез қуриб боради. Уни ўриб бориши натижасида Микролит технологияси шаклланади. Чунки Ўрта Осиё ва жанубий Сибирга қадар Ўрта ер денгизи тип тарқай бошлайди.

Галацен даврининг 1чи фаслидаги ҳавонинг исиб кетиши кўл дарёларнинг сийраклашишига, ер ости сувларининг ер тубига кетишига олиб келади, ўрмон чегарасининг шимолга чекинади. Натижада микролит индустриясининг вакиллари ҳам шимолга чекиниб, ўрмон ҳудудларига мослашиб кетадилар.

Ундан кейин кечган Атлантик плувял даврида Ўрта Осиёда Неолит маданияти тарқайди. Муҳими деҳқончилик технологияси Яқин шарқдан тарқайди. 4-3 минг йилликда Калтаминор маданияти ишлаб чиқаришга ўтишади, масалан Қизилқумдаги Оёқоғитма манзилидан кўпгина хонаки туя суяклари топилади.

### **3.2. Миграциянинг бошқа сабаблари (демографик, иқтисодий, сиёсий).**

Ўрта Осиё дашту биёбонларида Калтаминор маданияти аста-секин шимолга чекиниб жанубий Россия, Сибир ҳудудларига тарқала бошлайдилар, ўша ерда аста-секин чорвачиликка ўта бошлайдилар. Жойитун маданияти вакиллари эса борган сари ўтроқ деҳқончилик маданиятини авжига чиқариб, Анов, Номозгоҳ даврида деҳқончилик кенг ёйилади.

3-2 минг йилликларда бронза технологияси дунёга тарқала бошлайди. Натижада қаерда полиметал, рудалар учраса ўша ерда конлар ковланиб ўтроқ ҳаёт ва кон-мадан ҳаёти ривожланиб боради.

Бу даврда Янная, Катакомная, Андроновская маданиятлари дашт биёбонларда чорвачилик хўжалигини ривожлантириб боришади. Ўтроқ этнослар эса Анов, Намозгоҳ, Сополли ва бошқа маданиятлар негизида деҳқончилик ва урбанизация жараёнини ривожлантириб борадилар. Дашту биёбон экологиясининг беқарорлиги туфайли аҳоли Ўрта Осиёдан шимолга дамба дам кўчиб кетган:

- 1) Орол, Каспий бўйидан Калтаминор маданияти миграцияси туфайли Россияда Бабаринская ва бошқа маданиятнинг шаклланишига олиб келган.
- 2) Жанубий минтақалар таъсири остида Сомос маданиятининг бронза буюмлари шаклланиши.
- 3) Андроново маданиятининг 2 минг йилликда шимолга қараб чекиниши натижасида янги маданиятларнинг шаклланиши.
- 4) Эр авв 1 минг йилликнинг охирида скиф ва сарматларнинг таъсири шимолга кенгайганлиги туфайли Кулай, Уст Палой маданиятларининг шаклланишига олиб келади.

Шу миграция натижасида Сибир минтақаларига кўплаб Бактрия ва Парфияга хос заргарлик махсулотлари келиб қолади. Улар асосан археологик тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган.

5) 1 минг йиллик ўртаси савдо-сотиқ натижасида Сибирга Сосонийлар, Сўғд ва Хоразмга хос бўлган заргарлик буюмларнинг тарқалиши, ундан ташқари шимолдан жанубга қараб миграциялар ҳам кўп бўлган<sup>9</sup>.

Андропова маданиятининг Эрон ва Афғонистонга тарқалиши (арийлар). Тарихий даврида Орол бўйи дахлари эр. авв. III-II асрларда яна бир қисми Инн дарёси бўйига бориб Индасаклар давлатини туздилар.

Мана шу кўчишлар мобайнида Сирдарё соҳилида 3 та археологик маданият пайдо бўлади. Қовунчи (Тошкент), Ўтрор, Қоратов маданияти, Сирдарё этагида Жетасар маданияти. Лекин анашу даврни ўзидаёқ узок шарқда муҳим ходисалар юз беради. Эр. авв. II асрда Хитой манбаларидаги Модай Шайуй туркий афсоналарнинг Ўғуз хони Монголия ҳудудларида қудратли давлат тузиб у ерда хукмронлик қилган. Юэже қабилаларини Ўрта Осиёга кўчишга мажбур қилади. Хан империяси қўшинларини тор мор килиб Хитойга катта солиқ солади. Вақт ўтиши билан хунларнинг қудрати Ўрта Осиё даштларигача етиб келади. Хунлар империяси инқирозга юз тутгандан сўнг Хитой армияси хунларни қира бошлайди. Натижада хунлар эр авв I асрда Скиф сарматларини сиқиб чиқариб Қозоғистонга кириб борадилар. Натижада сармат маданиятини Қозоғистон, Ўрта Осиё бўйларидан кузатишимиз мумкин. Қовунчи маданияти айнан сарматлар маданиятининг таъсирини кузатиш мумкин. I асрда Хитой манбалари Орол денгизини Аллания кўли деб атайдилар. Алланияга хос бўлган заргарлик буюмлари Манғишлоқ, Осетия, Чечен, Ингушетия кўрғонларидан кўплаб топилган. Аллан нақшларининг

---

<sup>9</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited* (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

ўзига хос бўлган безакларини ҳозир ҳам Осетинларда ва туркманларнинг Қурама олама қабилаларида (Амударё ўрта оқимида) кўриш мумкин.

Шу каби алоқаларни Марказий Осиёнинг ғоявий тарихида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан анимистик тасаввурларда инсон табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиб, атроф-муҳитни балансини бузмасликка ҳаракат қилган.

Зардуштийлик таълимоти 1 чи марта экологик муаммоларни ўзида мужассамлаштирган чор унсур ер, сув, олов, ҳаво, ахурамазданинг инсон сифатида покиза сақланиб бу неъматлардан оқилона фойдаланиш шарти қўйилган. Аммо ўрта асрда араблар туфайли, олдин христианлар туфайли атроф-муҳит ва инсон атрофида мутаносиблик бузилади. Чунки еврий, христиан, араб диний дунёқарашига кўра табиатга нисбатан истемолчилик муносабати ҳукмрон бўлиб қолади. Бу таълимотларга кўра ер фойдали ўсимлик ва ҳайвонот вакиллари одамлар есин деб яратган емиш. Бу муносабат қадим замонлардан табиий муҳитни емирилишига олиб келади.

Қадимда эса атроф-муҳит, тирик жониворлар ва ўсимликнинг жони ва руҳи бўлган деган тасаввур бўлган. Сувларни лойқалаш, ҳайвонларни ўлдириш гуноҳ ҳисобланган. Нафақат зардуштийликда грек мифологиясида оби-ҳаёт руҳига сиғиниш, сув хавзаларини озода сақлаш, оташни сақлаш, оташга қурбонликлар қилиш расмлари кенг тарқалган бўлган. Чунки бу тасаввурларга кўра табиий муҳит элементлари инсоният тараққиётига аҳамияти катта бўлган. Тангри-осмон, ер-зал, Қуёш-Хварам, Ой-моҳ, Шамол-вата, ваю худоларига сиғинишган.

Иқлим ўзгаришига қуёшнинг фаоллиги 11 йил, 90 йил 10200 йиллик цикл сабаб бўлади. Ҳар бир цикл 1,76 млн йил, ҳар бир галактиканинг тугаши  $65=235=400=570$  йил, шу давр оралиқларида ердаги фауна ва флора алмашади.

Инсоният тараққиётида иқлим иқлим ўзгариши ниҳоятда муҳим. Тектоник ҳаракатлар туфайли ер ёрилади, дарёлар пайдо бўлади. Дарёларда турли туман флора ва фауна юзага келади. Айниқса, ибтидоий даврлар ўша

дарё воҳаларига тўғри келади. Айнан шу вазиятда цивилизациялар туғилади. Ушбу жойларда металлургиянинг ривожланиши тасодиф эмас.

Микроэлементларнинг тупроқ таркибида бўлиши инсон соғлиги учун фойдали. Биологик жараёнларни бир бутун ўрганганда ген тараққиёти ўзгаришини бир сифатида олсак умуртқасизлар тараққиёти 1,3 , судралиб юрувчиларники 1,7 , қушлар ва сут эмизувчиларники 2,9 ривожланади.

Меҳнат унумдорлиги ибтидоий даврда 1,2% , қулдорлик даврида 8% , охириги йилларда меҳнат унумдорлиги ҳар 15 йилда 2 баробар ошиб бормоқда.

Метагаллактика 20 млрд йилдан бери мавжуд бўлса, тезлашиш 20 млн мартага ошди. Ер юзидан об ҳавога ва инсонларга таъсир қиладиган 142 хил ритм фасл бор. Масалан: бир омил ернинг қуришига олиб келади.

Ўрта Осиёда Орол ва Каспий ҳудудлари экологик жиҳатдан кўп ўрганилган. Инсон цивилизацияси ривожда геологик жараён алоҳида аҳамиятга эга. Кўчкларни шакллантирувчи бу тектоник жараён водий дарёларидан келиб чиқиб, бу ерда рудали ва рудасиз жараёнларни юзага келтиради. Водий даралари флора ва фаунанинг турфа хиллиги билан ажралиб туради. Бу водийлар қадим қадимдан деҳқончиликка шароит туғдирган. Эрон, Ўрта Осиё ва Кичик Осиёнинг тоғли туманларида қадимги металлургия ўчоқлари жойлашгани бежиз эмас. Инсон ва ҳайвонлар соғлигига таъсир кўрсатувчи микроэлементлар заминидир.

Ҳозирги Голоцен даври иқлими нисбатан тинч давр ҳисобланади. Греландия ва Антарктида музликларининг ўрганилиши охириги минг йиллар мобайнида қисқа муддатли ҳароратнинг музлаши кузатилган.

Ўрта Осиёда иқлим ўзгариши билан Каспий ва Орол денгизининг сатҳи ўзгариб туради. Унинг ҳавзаси Азов ва Қора денгиз ҳавзалари билан қўшилиб кетган. Ҳароратнинг пасайиши Евросиё майдонларида намгарчиликнинг ошишига олиб келади. Марказий Осиёда эса музлаш даврида асосан қуруқ об-ҳаво ҳукмрон бўлганлиги аниқланган.

## 4-мавзу: Маданият тараққиётининг экологик омиллари

### Режа:

4.1. Табиий офатлар, глобал катаклизмлар, иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли мажбурий миграциялар.

**Таянч иборалар:** Этнослар, Миграциялар, Диффузия ёки иновация, Сармат, Скифлар, Алланияга, Жетасар маданияти, Манғишлоқ, Осетия, Чечен, Ингушетия, Бабарин маданияти.

### 4.1. Аҳолининг кўпайиши натижасида янги ўзлаштирилмаган ерларни эгаллаш учун амалга оширилган миграциялар.

Антропоген ёки Плейстоцен даврининг санаси 2 млн йилдан ошмайди. Бу даврда ер қуррасининг релефи тамомила шаклланиб боради. Тектоник жараёнлар орогенез (тоғлар ўсиши) жараёнига олиб келади. Тектоник ҳаракатлар ва ёриқлар дарёлар ҳосил бўлишига олиб келади. Тоғлардан оқиб тушаётган сойлар пастекисликларни ҳосил қилиб, катта-кичик сув ҳавзаларини тўлғазиб боради ёки океанга оқиб чиқади. Дарёлар ўз ўзларидан оқиб келиб ётқизилган материал алювиал дейилади. Яъни дарёлар оқиб борар экан текисликлар алювиал текисликлар деб аталади.

Дарёларнинг юқори оқимидаги юмалаб сувга тушаётган материаллари (пурелювиал) деб аталади. Дарё ўзани ҳосил бўлаётган материаллар фарқи катта. Юқори оқимда дарё асосан йирик тошлар, шағал юмалатиб келади. Қир адир минтақаларда эса асосан чўкиб қолади. Пастекисликларда асосан шағал ва қумлар чўкади.

Дарёнинг қуйи оқимларида лойқалар, лойлар чўкиб кенг майдонларни ҳосил қилади. Навбатдаги тектоник кўтарилиш дарё ўзанини чуқурлаб боради ва чуқурлаб бориши ўзанининг адоғидаги кўл ёки денгиз билан тенглашганидан

сўнг тўхтамайди. Ундан сўнг дарё ўз ўзанини кенгайтира бошлайди. Навбатдаги тектоник кўтарилиш эса дарё ўзанини чуқурлашишига олиб келади.

Ўрта Осиёда охириги млн йил мобайнида водийларда 4та терасса сатҳи ҳосил бўлган. Булар ер қуррасининг тектоникасининг фаоллиги натижасидир.

Сирдарё ҳавзасида энг юқори терасса (сатҳ) Кўрикўрғон терассаси бўлиб, у 450-500 минг йил олдин шаклланган. Бунинг шаклланиши Миндел музланишига тўғри келади. Тошкент террасасининг майдони эса Рис музлаш даврига тўғри келиб санаси 200 минг йилдан ортиқ. Мирзачўл террасаси даври Вюрм музлашига тенгдош, унинг санаси 40 мингйилдан ортиқ. Сирдарё терассаси 15 минг йилдан ошмайди. Ҳозирги даврда бу Сирдарё ҳавзаси терассаларининг номенкулацияси деб аталади.

Орол денгизининг тубида Вюрм даврида кулранг лой куйқалар ҳосил бўлган, суви шўрланмаган. 30-20 мнг йил аввал Хвалинс трансгрессияси (кенгаймоқ) кузатилади.

Ўрта Осиё ҳудудида музликлар оралиғи даврларида аҳоли нуфузи купайиб, музлаш даврларида эса жанубга қараб чекинаверган. Бу ҳудудларни архантроплар ўзлаштира бошлаган.

Инсон олов энергетикасини қадимдан билсада олов ёқиш саънатини камида 100 минг йил олдин ўзлаштиришди. Инсон физикавий қиёфасига таъсир қилувчи омил атроф-муҳит биохимияси. Тупроқдаги турли микроэлементлар таркиби ҳайвонлар саломатлигига таъсири катта. Питекантроп ,жумладан, Ява оролидаги суяклардан суяк церрози касаллиги белгилари топилган. Ҳозир ҳам тоғли ҳудудларнинг кўпи сувда ёд камлиги ва бор камлигидан қийналади.

Гранит жинсининг ер юзига яқинлиги брохикифомияга олиб келади (брохикифомия – юмалоқ калла), мезохофикамия – тухум калла, долехокефал – қовун бош.

Узун ингичка бошли одамлар асосан экваториал шароитда яшайди. Баланд тоғлик аҳолисининг кўкрак қафаси, оёқ-қўлларининг суяклари узун бўлади, сабаб юқорида ҳавонинг сийраклиги , яъни кислород кам бўлади.

Унинг тасаввурларга кўра инсон руҳи олов ва оловга орқали тўғри арши алога чиқиб кетар экан. Бу худонинг номи Агни , унинг асосий вазифаси мурдаларни нариги дунёга етказиш бўлган. Зардуштийликда айниқса гигиена қоидалари ривожланган бўлган.

### **Мавзу бўйича қўшимча саволлари.**

1. Иқлим ўзгаришининг маданият тараққиётига таъсирини нималарда кўришимиз мумкин?
2. Сўнгги плейтоцен ва илк голоцен иқлимида инсон маданияти адаптациясига қандай таъсир кўрсатган?
3. Қадимги дунё экологик муаммолари деганда нимани тушунасан?
4. Марказий Осиё экологияси, ресурслари ва дашт минтақаси кўчманчилари ҳаётига нимаси билан таъсир кўрсатган.

### **Адабиётлар**

1. Charles French. Geoarchaeology in action: studies in soil micromorphology and landscape evolution. Routledge. 2003.
2. John Barrett. The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.
3. Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.
4. Umberto Albarella. Environmental Archaeology: Meaning and Purpose. Springer-Science Business Media, B.Y. 2001.

**Режа:**

**5.1. Голоцен даври иқлим ўзгаришларини даврлаштирилиши масаласи.**

**5.2. Голоцен даврида ишлаб чиқарувчи хўжаликларни ривожланиши**

**Таянч иборалар:** Этнослар, Миграциялар, Диффузия ёки иновация, Сармат, Скифлар, Алланияга, Жетасар маданияти, Манғишлок, Осетия, Чечен, Ингушетия, Бабарин маданияти.

**5.1. Голоцен даври иқлим ўзгаришларини даврлаштирилиши масаласи.**

Мазкур мазуни ўрганиш жараёнида қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим: Этник географияси (этногеография) нима? Этнос ва худуд. Қабила ва элатларнинг жойлашуви хусусиятлари ва табиий мухит. Хўжалик (иқтисодий)-маданий типлар шаклланишининг экологик омиллари. Этнография хариталардаги ўтмиш ва замонавий халқларнинг худудий жойлашуви.

Иптидоий жамият тарихидан бошлаб инсон табиатдан ўз мақсадларида фойдаланган (ўрмон, дарё, кўллар ўраб тургантеварак атрофдаги мавжуд хом ашё, ўсимликлар, мева, хайвонот дунёси, табиий озиқ-овқат захиралари ўзлаштирилган). Ўзлаштирувчи хўжаликлар ривожланган даврларда ўруғ ва қабила аъзолари муайян худудда истиқомат қилган. Уларнинг худудий жойлашуви қон – қариндошлик тамойилларига асосланган бўлиб, у ёки бу туманда фақат қариндош уруғ вакиллари истиқомат қилган. Ўзлаштирилган худудлар ўртасида шартли чегаралар мавжуд бўлган.

Этногеография аҳолининг худудий жойлашуви хусусиятларини, уруғ, қабила, этник гуруҳлар, элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва турли тарихий даврларга хос жамиятга табиий-географик омилларнинг таъсири ҳамда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ахамиятини ўрганади. Географик шароит

инсоннинг меҳнат усуллари моддий маданият, турмуш тарзи ва умуман ҳаётига таъсир қилган<sup>10</sup>.

Қадимги даврларда жамоалар турлича табиий шароитда жойлашиши ва атроф-теварақга мослашиши туфайли уларнинг ҳаётида турли шакллардаги хужалик маданиятлар вужудга келган эди. Мисол тариқасида денгиз, кўллар, дарёлар атрофларида жойлашган қабилалар ҳаётида балиқчилик, дашт, тоғ олди ва тоғли туманларда жойлашган аҳолисида овчилик устунлик қилган эди ёки балиқчилик, овчилик ва термачилик комплекс тарзда ривожланган. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг (деҳқончилик, чорвачилик) шаклланишига иссиқ иқлим, ҳосилдор ерлар, ёввойи бошоқли ўсимликлар ва майда шоҳли ҳайвонларнинг табиатда мавжудлиги асос бўлган. Деҳқончилик совуқ иқлим ерларда ёки қалин ўрмонлар, бутазорлар эгаллаб олган ҳудудларда ва чўлларда ривож топмаган.

Хўжалик – маданий типлар жамоаларда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, муайян уруғ, қабила, этник гуруҳлар ва элатларнинг теварак – атрофдаги алоқа хусусиятларини белгилайди.

Хўжалик –маданий типларнинг таърифида уй-жойлар, меҳнат қуроллари, хунармандчилик маҳсулотлари, уй-рўзғор ва маданий буюмларга эътибор бериш лозим. Хўжалик - маданий типларнинг умумийлиги яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, табиий шароит ижтимоий – иқтисодий тараққиёт кишлоқларнинг турмуш тарзи, моддий маданияти ва маълум даражада маънавий маданиятга таъсир қилган.

Юқорида айтиб ўтилгандек мазкур масалани ўрганиш жараёнида табиий шароит ва иқлим хусусиятларига эътибор бериш лозим. Мисол тариқасида иссиқ иқлим шароитида дарё воҳаларида дастлаб лалмикор деҳқончилик ва сўнг суғорма деҳқончилик тарқалган.

Кўп жихатдан хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги тарихий этнографик вилоят ёки тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланишига хизмат қилган. Маълум ҳудудларда жойлашган, узоқ тарихий

---

<sup>10</sup> Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.

даврлар мобайнида ўзаро алоқаларда бўлиб, умумий моддий ва маънавий маданиятни яратган аҳоли гуруҳлари тарихий – маданий вилоят дирасида бир одатлар, эътиқодлар, шунингдек тил ҳамда этник яқинлик бирлаштирган<sup>11</sup>.

Атлантик плювиал даврида Ўрта Осиё саҳроларида йилига 250-450 ммга қадар қор ёғиб турган, ҳарорат ҳозиргидан 8-10 гр паст бўлган. 3-2 минг йилликларда иқлим қуриб ҳарорат кўтарилади. Жойитунни ўрнини Анов 1 эгаллайди. Даштда энеолит, бронза даврига оид манзилгоҳлар ташкел топади. Эр авв 2 минг йилликларда эса Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида БМАК маданияти шаклланади. Даштда эса шимолий кўчманчи Андроново маданияти кириб келади. Охириги 4 минг йил ичида 7 та нам фасл кузатилган. Булар эр авв 1900,1300, 760, 20, ва эрамизни 920,1120, 1700 йиллардан бошланган. Бу фасллар натижасида ўтроқ деҳқончилик гоҳ кенгайиб гоҳ торайиб борган. Хоразм экс-си Сарикқамиш атрофида ҳаёт кечирган. Бу ҳудудда суви эр авв 2 минг йилликда қуриydi. Эр авв 8-7минг йилликларда Ўзбойдан Сарикқамишга яна сув кела бошлайди ва бу ҳудудда сакларга мансуб Қуйисой манзили топилган. Эр авв VI асрдан бошлаб эса Кўзалиқир , Қалалиқир шаклланиб қадимги Хоразм маданияти шаклланди.

Голоцен бошланишида мил.авв. VII-VI минг йилликда иқлим ҳозиргидан анча нам ва илиқ бўлган. Ҳатто Сахрои Кабир чўлида ҳам йилига 300-400 мм ёғингарчилик бўлган (ҳозир 6 мм). Чад кўли ҳажми Каспий денгизники билан тенг бўлган. Археологик исботланишича бу неолит даврининг бошланиши билан боғлиқ. Бу вақтда ишлаб чиқариш хўжалигининг иқтисодиёти шаклланган. Чорвачилик ва ҳароратчилик тарала бошлаган. Лекин бу вақтда кўплаб шимолий кенгликлар қуруқ иқлим билан фарқланган. Атлантик плювиалнинг иссиқлик чўққиси мил.ав. IV минг йилликка тўғри келади. Лекин 4 минг йил аввал совуқланиш ва иқлимнинг қуриши кузатилди. Сахрои Кабир қурий бошлади<sup>12</sup>.

---

<sup>11</sup> Paul Goldberg and Richard I. Macphail. Practical and theoretical geoaerchaeology. Blackwell publishing, 2006.

<sup>12</sup> John Barrett. The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

Голоцен даврида Европада ҳам тўртта нам ва совуқ давр ажратилади. Улар мил. авв. 2000, 2600, 3100 ва 3700 йилларга тўғри келади. Энг совуқ давр мил. авв. III-аср охири I-аср бошига тўғри келади. Иқлим ўзгаришини археология ёдигорликлари билан бир қаторда ёзма манбаларда ҳам қайд қилиб боради. Рим шоири Овиди ишда Дунай муз билан қопланиши ва у орқали пиёда ва отлик ҳаракатланиш мумкинлиги ҳақида ҳатто баъзи йиллари қора денгиз ҳам музлаши ҳақида маълумот беради. Жанубий Арабистон худудида Сабей қироллиги мавжуд бўлган, бу ерда ҳозирда Адкин дарёсининг қуруқ ўзанида улкан платина қолдилари сақланиб қолган. Бу мил авв 1 минг йилликда бу ердаги иқлимнинг нам бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Мил.авв 3000-2500 йилларда Хитой, Миср, Жанубий Европадаги иқлим аномалиялари маълум.

Буларнинг барчаси шимолий африка иқлимнинг қуриб боришидан гувоҳлик беради шунга ўхшаш жараёнлар Марказий Осиё ва Яқин Шарқда бўлиб ўтди. Э.Д.Мамедова ва Г.Н.Трофимовнинг ишлари ўрганилишида мил.ав. 4-минг йилликда Қизилқум ландшафти яшил даштдан иборат бўлган.

Касбий денгизнинг сатҳи бундан 50-60 минг йил аввал ҳозиргидан 80м баланд бўлган. Милоддан тахминан 6000-4000 йил ҳозиргидан 20 м га паст бўлган Осиё ва Африкада сўнгги ўнлаб минг йилликларида кузатилган умумий кўллар сатҳининг тушиши билан бир қаторда алоҳида сакрашлар ҳам кузатилган бу ҳодисалар Европада ҳам номоён бўлган, Голоцен даврининг даврининг исиш вақтида Алп ўрмонлари чегараси 1000 м юқори бўлган. Хитой ва Яқин Шарқлари материаллари бўйича 4-5 минг йил аввал кучли сув тошқинлари пайдо бўлган, улар тўғрисидаги хотиралар умумжаҳон тошқини ҳақидаги афсонавий башоратларда акс этган. Голоцен даври учун қишда минус ҳароратнинг пасайиши характерланади. Атлантек плювиал даврида МДХ давлатларининг кўпчилик даврида ҳозиргидан анча иссиқ бўлган. Асосан ҳарорат ўрта кенгликда иссиқ бўлган<sup>13</sup>.

---

<sup>13</sup> John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.

Голоцен даврида мил авв 6000-3000 минг йилларда иссиқроқ бўлган. Бу даврда Шарқий Ўрта ер денгизи ҳудудларидан Европага Шимолий Африкага ва Осиёнинг Жанубий ҳудудларида негалитик қабилалар маданияти таратган Ҳарраппа цивилизациясининг ўлими иқлим аредизатсияси Ҳиндистон дарё сувлари режаси ўзгариши билан боғлиқ деб белгиланган. Бундан 10-12 минг йил аввал Сибирда тукли насорог ва мамонт ўлиб кетади. Жанубга араб қурғоқчилик кўпая бошлади, иссиқўлнинг трансгрессияси амалга ошади, Тянь-Шан ўрмонлари чегараси 2000м баландлигигача кўтарилади. Аммо кейинги тадқиқотлар тош қуроллар шакли, қўлланилиши ва ишлаш техникасидаги ўзгаришлар ва янги хусусиятларни аниқлаши натижасида тош даврининг ўрта босқичи эканлиги эътироф этилди.

## **5.2. Голоцен даврида ишлаб чиқарувчи хўжаликларни ривожланиши**

Мезолит даврининг қуйи ва юқори чегарасини белгилашда ҳам турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Кўпгина олимлар мезолит даврининг чегарасини аниқлашда географик муҳитга суянса, бошқалари тошни ишлаш техникасига асосланадилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса бу масалада хўжалик машғулотларини биринчи ўринга қўядилар. Мезолит даври табиий шароити музликнинг эриши билан ўзгарди. Музликнинг шимолга чекиниши натижасида кўплаб қўллар, ўсимликлар ўсиши учун яроқли эрлар, ботқоқликлар кўпайди. Дастлабки босқичда яъни 100 000-85000 йиллар давомида иқлим субтропик бўлиб, полеолитга анча яқин эди. Кейинчалик милoddан аввалги 85000-50000 йиллар давомида иссиқ ва қуруқ иқлим шакллана бошлади. Жанубда иқлим яхшиланиб, бу пайтда кўплаб шохли ҳайвонлар ва яшил ўсимликлар тарқалди. Европа ҳудудида эса кенг баргли яшил ўрмонлар билан қопланди. Бу даврда Болтиқ денгизи ва Шимолий Европа қўллари ҳозирги қиёфага келади<sup>14</sup>. Музлик силжиши (Музлик йилига тахминан 160 метр силжиган.) билан одамлар ҳам шимол томон ҳаракат қилади. Мезолит даврига келиб Ўрта Осиёда сигмент, трапетсия ва учбурчак

---

<sup>14</sup> Umberto Albarella. Environmental Archaeology: Meaning and Purpose. Springer-Science Business Media, B.Y. 2001

шаклидаги майда қуролчалар – микролитлар пайдо бўлади. Бу қуроллардан одамлар кесиш ва ўриш мақсадларида, пичоқ ва ўроқ сифатида кенг фойдаланганлар. Мезолит даврининг энг катта кашфиёти ва ютуқларидан бири – камалак ва ўқнинг кашф этилиши эди. Камалак ва ўқ-инсон кашф этган энг дацтлабки мураккаб мослама бўлиб, у инсониятнинг узок давом этган меҳнат тажрибаси ва заковатининг натижаси бўлди. Ўқ ёйнинг кашф этилиши мезолит даври ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзига хос инқилоби эди. Аввал отиладиган (улоқтириладиган) қуроллар ишлатилар эди. У маълум маънода жисмоний куч талаб этган. Янги шароитда эса минг йиллар давомида шаклланган ов маданияти ўзгаради. Ов объекти ҳам шунга мос ҳолда ўзгариши туфайли янги қуролга эҳтиёж сезила бошлайди. Мезолит даврида кичик ҳайвонларнинг тарқалиши ов усулининг ўзгаришига олиб келади. Ўқ-ёйнинг пайдо бўлиши ишлаб-чиқариш кучларининг ривожланишини тақозо этиб, қуйидаги хусусиятлар билан боғлиқ эди:

#### **Мавзу бўйича қўшимча саволлари.**

1. Инсон ҳаётида биохимиянинг ўрни.
2. Илк голоцен даври иқлими қандай кечган?
3. Голоцен даври иқлим ўзгаришлари периодизацияси деганда нимани тушунасиз ?
4. Европа, Сибир ва Марказий Осиёда голоцен иқлими ўзгаришларига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
5. Ўрта Осиёнинг неолит, бронза ва илк темир даври археологик маданиятлари қачон шаклланган?
6. Эрализ бошидаги иқлим қандай бўлган?

### Адабиётлар

5. Charles French. *Geoarchaeology in action: studies in soil micromorphology and landscape evolution*. Routledge. 2003.
6. John Barrett. *The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology)* edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.
7. Paul Goldberg and Richard I. Macphail. *Practical and theoretical geoarchaeology*. Blackwell publishing. 2006.
8. Umberto Albarella. *Environmental Archaeology: Meaning and Purpose*. Springer-Science Business Media, B.Y. 2001.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Фаннинг мақсади, вазифалари ва долзарблиги. Экология ва цивилизация тушунчалари**

#### **Режа:**

1. Палеоэкология тушунчаси ва экологияга оид билимларнинг шаклланиши
2. Маданият тараққиётининг экологик омилларга таъсири
3. Цивилизация тушунчаси.

**2-Мавзу: Экологик омиллар ва тарихий жараёнлар ўзгаришининг маданият тараққиётига таъсири. Миграциялар**

#### **Режа:**

1. Табiiй офатлар, глобал катаклизмлар, иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли мажбурий миграциялар.
2. Миграциянинг бошқа сабаблари (демографик, иқтисодий, сиёсий).
3. Аҳолининг кўпайиши натижасида янги ўзлаштирилмаган ерларни эгаллаш учун амалга оширилган миграция.

**3-Мавзу: Милодий I-II минг йилликлар иқлими ва экологик муаммолари**

#### **Режа:**

1. Иқлим ўзгариши ва унинг халқларнинг миграцияси ва иқтисодига таъсири.
2. Денгиз сатҳининг ўзгариши ва унинг табiiй иқлимга таъсири
3. Европа, Марказий Осиё ва Узоқ Шарқдаги иқлим ўзгаришлари.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Милодий I-II минг йилликлар иқлими ва экологик муаммолари**

Археологик тадқиқотлар натижаларига асосан милодий I-II минг йилликлар иқлими ва экологик муаммоларни ўрганиш масаласи кўриб чиқилади. Археология музейида очиқ мунозара тарзида ўтказилади.

Машғулот Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети Археология музейида олиб борилади.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс-стади.

Кейс 1. Археология атамасига ким асос солган. Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Археология атамасига таъриф. У қандай маънони англатади. Археология атамасини ким муомалага киритган.
- Археологиянинг фан сифатида шаклланиши сабабларини келтиринг.

### 2-кейс-стади.

Кейс 2. Ер шарида ҳаётнинг пайдо бўлиши ва илк ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши шарт-шароитлари

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Ерда ҳаёт қандай пайдо бўлган. Ер шари тарихи ҳақида маълумот келтиринг
- Одамзоднинг ҳайвонот дунёсидан одамзод дунёсига қадам қўйишига сабаб бўлган омилларни изоҳланг

### 3-кейс-стади.

Кейс 3. Дастлабки гоминидларнинг пайдо бўлиши сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Гоминидлар атамасига таъриф беринг. У қандай маънони англатади
- Ер юзида топилган дастлабки палеантропологик топилмалар ҳақида маълумот келтиринг ва қиёсий таҳлил қилинг

### 4-кейс-стади.

Кейс 4. Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилади. ва сабабларини кўрсатинг

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Африка ҳудудидаги дастлабки ибтидоий аجدодларимизга оид топилмалар ва уларнинг таҳлилини келтиринг.
- Нима сабабдан Африка инсоният бешиги сифатида эътироф этилиши сабабларини келтиринг

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишни қуйидаги шакллардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини чуқурроқ ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчилар мустақил иш тайёрлашда мазкур фаннинг хусусиятлари ва мустақил таълим учун белгиланган соат ҳажмини эътиборга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланишлари тавсия этилади:

- амалий машғулотларига тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларни ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчиларнинг ўқув, илмий, тадқиқот ишларини бажариши билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланадиган ўқув машғулотлари.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Экологияга оид билимларнинг шаклланиши.
2. Инсон ва экология ривожланишининг табиий шарт шароитлари.
3. Иқлим ўзгаришининг геоморфологик омиллари.
4. Иқлим ўзгаришининг геологик омиллари.
5. Тектоник жараёнлар.
6. Ернинг вужудга келиши.
7. Европанинг плейстоцен даври иқлими.
8. Ўрта Осиёнинг плейстоцен даври иқлими.
9. Марказий Осиё рельефининг шаклланиши.
10. Плейстоцен даврида Орол-Каспий ҳудуди иқлими.
11. Қадимги ёзма манбаларда атроф-муҳитни асраб-авайлашга даъват.
12. Ўрта асрлар экологик муаммолари.

13. Ўрта асрлар даврида иқлимдаги асосий ўзгаришлар.
14. Иқлим ўзгаришининг халқлар иқтисодига таъсири.
15. Миграцияларнинг экологик омиллари.
16. VII-VIII ва IX-X асрлардаги иқлим.
17. Ўрта асрлар даврида иқлимдаги асосий ўзгаришлар.
18. Иқлим ўзгариши ва унинг халқларнинг миграцияси ва иқтисодига таъсири.
19. Экологик шароитни ўзгаришининг эндоген омиллари.
20. Ер юзининг қадимги иқлими (илейстоцен даври).
21. Голоцен даври иқлимининг хусусиятлари.
22. I-II мингйилликлар иқлими.
23. Ҳозирги замон иқлимий жараёнлар ва муаммолар.
24. Иқлим ўзгаришининг маданият тараққиётига таъсири.
25. Сўнгги плейстоцен ва илк голоцен иқлимида инсон маданияти адаптацияси.
26. Қадимги дунё экологик муаммолари.
27. Марказий Осиё экологияси, ресурслари ва дашт минтақаси кўчманчилари цивилизацияси.
28. Ҳозирги замон иқлимий жараёнлар ва муаммолар.
29. Иқлим ўзгаришининг маданият тараққиётига таъсири.
30. Сўнгги плейстоцен ва илк голоцен иқлимида инсон маданияти адаптацияси.
31. Қадимги дунё экологик муаммолари.
32. Марказий Осиё экологияси, ресурслари ва дашт минтақаси кўчманчилари цивилизацияси.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Атама	Terminology	Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Неолит, бронза ва илк темир даврлари	Neolithic, Bronze and early Iron Age	Неолит, бронза и РЖВ	Археологик даврлар ҳисобланади.
Плейстоцэн	Pleistocene	Плейстоцэн	(юнончада πλεϊστος) бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб 11,7 минг йил аввал тугаган геологик даврлардан бири.
Тўртламчи давр ёки антропоген даври	Quaternary period, or anthropogenic	Червертичный период или антропоген	Бундан 2,588 миллион йил аввал бошланиб ҳозирга қадар давом этмоқда.
Петрография	Petrography	Петрография	Бу геология фани бўлиб, у тоғ жинсларни ҳар томонлама ўрганadi.
Геохронология	Geochronology	Геохронология	Ернинг ёшини йиллар билан ифодалаб бериш
Архей эраси	Archaea	Архей	Геологик даврлардан бири бўлиб, Бу эрада ерда ҳали ҳайвон организмлари кам ва ўсимлик организмлари бўлмаган
Кайнозой эраси	Cainozoe	Кайнозой	Учламчи ва тўртламчи даврлардан иборат.
Тўртламчи давр	Quaternary period	Червертичный период	Яъни инсоният пайдо бўлган давр антропоген даври деб ҳам юритилади.
Плейстоцен	Pleistocene	Плейстоцен	Буюк музликлар мавжуд бўлган давр ҳисобланади
Питекантроп	Pithecantrope	Питекантроп	археология фанида Homo erectus деб юритилади ва 1981 йилда голландиялик олим Э.Дюбуа томоиндан Индонезиянинг Ява оролидан топилган.
Австралопитекус афаренсис	Australopithecus afarensis	Австралопитекус афаренсис	бундан 4-2,5 миллион йил аввал Шарқий Африкада истикомат этган.

Олдувей	Olduvai	Олдувей	Африка худудида аниқланган дастлабки тош даври маданияти.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Номо ва унга тегишли дастлабки тошқуроллар	Homo and his early work tool	Номо и его ранние орудие труда	2.5 миллион йил аввал Шарқий Африка худудида пайдо бўлади.
Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Homo ergaster—Homo erectus	Хомо Эргастер-Хомо Эректус	Ибтидоий аждодларимизнинг Африкадан Евроосиёга дастлабки миграциясини бошлаб берган
Селунгур	Selengur	Селунгур	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Кулбулок ёдгорлиги	Kulbulyak	Кулбулак	Ўзбекистон тош даври ёдгорлиги
Қадимги тош асри	Paleolith	Палеолит	Қадимги тош даври.
Зинжантроп	Zinjanthropus	Зинжантроп	Танзаниянинг Зинжи қишлоғидан топилган одам..
Питекантроп	Pithecanthrope	Питекантроп	(юнонча “pitekos” – маймун, “antropos” – одам) Индонезиянинг Ява оролидан топилган энг ыадимги одам.
Хомо сапиенс	Homo sapiens	Хомо сапиенс	Юқори палеолит даврида яшаган ибтидоий аждодимиз.
Хитой одами	Sinanthropus	Синантроп	Хитой одами.
Хомо Хабилис	“Homo habilis”	Хомо Хабилис	“ишбилармон одам”.
Хомо Эректус	Homo erectus	Хомо Эректус	тўғри тик юрувчи одам
Антропология	Anthropology	Антропология	Одамни ўрганувчи фан
Неандертал одами	Neanderthal	Неандертальский человек	илк бора Германиянинг Фелдгофер ғоридан топилган.
Тейжа	Teyzha	Тейжа	(Франция) яқинидаги ғордан топилган суякка ишланган

## VIII. АДАБИЁТЛАР

9. Charles French. Geoarchaeology in action: studies in soil micromorphology and landscape evolution. Routledge. 2003.
10. John Barrett. The Emergence of Civilisation Revisited (Sheffield Studies in Aegean Archaeology) edited by John C. Barrett and Paul Halstead. Sheffield, 2005.
11. Paul Goldberg and Richard I. Mikhail. Practical and theoretical geoarchaeology. Blackwell publishing. 2006.
12. Umberto Albarella. Environmental Archaeology: Meaning and Purpose. Springer-Science Business Media, B. Y. 2001.
13. Белкин В.В. Основы геологии. Учебное пособие. Пермь-Березники. 2008. pdf.
14. Богданов И.И. Палеоэкология. Учебное пособие. М. Изд. «ФЛИНТА». 2011.
15. Исламов У. И., Крахмаль К.А. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Т. Изд. “Фан”. 1995. pdf.
16. Общая палеоэкология с основами экологии. Учебное пособие. Под редакцией Г. Н. Киселева. Издание третье, дополненное. Санкт - Петербург. 2005.
17. Чиникулов Х., Жўлиев А.Х. Умумий геология. Тошкент. 2011.
18. Чистяков А.А., Макарова Н.В., Макаров В.И. Четвертичная геология. Учебник. М. Изд. «ГЕОС». 2000. Djvu.

### Интернет маълумотлари

1. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
2. [www.history.ru](http://www.history.ru)
3. [www.archaeology.ru](http://www.archaeology.ru)
4. [www.archaeology.com](http://www.archaeology.com)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.cambridge.co.uk](http://www.cambridge.co.uk)
7. [www.oxford.co.uk](http://www.oxford.co.uk)